

**ТАРБИЯЧИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ**  
**Юлдашева Одинахон Собиржоновна**  
**Бектемир тумани 574-КТИДМТТ тарбиячиси**  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7215043>

Педагоглик шарафли, лекин жуда мураккаб касб. Яхши бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун қоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилади, ёш индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Мактабгача таълим ҳаёти кичик педагогик жараён бўлиб, жуда хилмахилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса педагогдан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарликни, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб қилади.

Шунинг учун ҳозирги кун тарбиячиси:

- педагогик фаолиятга қобилиятли, ижодкор, ишбилармон;
- миллий маданият ва умуминсоний қадриятларни, дунёвий билимларни мукамал эгаллаган, диний илмлардан ҳам хабардор, маънавий баркамол;
- Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонадиган, ватанпарварлик бурчини тўғри англаган, эътиқодли фуқаро;
- ихтисосга доир билимларни, психологик, педагогик билим ва маҳоратни, шунингдек назарий илмларни мукамал эгаллаган;
- педагогик касбини ва болаларни яхши кўрадиган, ҳар бир бола улғайиб, яхши инсон бўлишига чин кўнгилдан ишонадиган, уларнинг шахс сифатида ривожланиб, инсон сифатида камол топишига кўмаклашадиган;
- эркин ва ижодий фикрлай оладиган, талабчан, адолатли, одобли бўлмоғи даркор.

Давлатимиз халқ таълими соҳасида ўртага қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан педагогга боғлиқ. Ҳозирги кунда таълим-тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, педагогларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, эркин фикрли, онгли баркамол инсон қилиб ўстириш педагоглар зиммасига юклатилган.

Бу мақсад қуйидаги вазифаларни ечиш орқали ҳал этилади:

- ❖ педагогик маҳоратнинг назарий-методологик асослари билан қуrollантириш;

- ❖ педагогик маҳоратнинг педагогик техника, педагогик мулоқот, педагогик назокат, педагогик қобилият каби таркибий қисмлари ҳақидаги малакаларни ечиш;
- ❖ педагогик маҳоратни мустақил шакллантириш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- ❖ эгалланган педагогик-психологик билимлар асосида шахсий педагогик маҳоратни яратиш малакаларини ҳосил қилиш;

Аввало тарбиячининг касбий маҳоратига таъриф берайлик. Тарбиячининг касбий маҳорат – бу маълум шахсий (болаларни севиши, меҳрибонлиги, ҳайрихоҳлиги ва ҳ.к) ва касбий (билимдонлиги, жавобгарликни ҳис қилиши, ижодкорлиги эрудицияси ва ҳ.к.) фазилатларининг йиғиндиси ҳисобланиб, у педагогик-психологик, усулий тайёргарлигида, болаларни тарбиялашнинг оптимал йўллари излаб топишида намоён бўлади. Шунинг учун тарбиячининг касбий маҳорат, билимдонлиги, зукколиги, ижодкорлиги билан бирга шахсий сифатларни ҳам такомиллаштиришни ҳам тақозо қилади. Мураббий фаолият маҳоратини қандай фазилатлар белгилайди? Моҳир аввало мафкуравий тайёргарликка эга бўлиши лозим. Бу деганимиз миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарни бўлиши ва уларни ёшлар онгига етказиб тарбияланувчиларни ота-боболаримиз яратган бой меросга ҳурматни тарбиялай олиши керак. Бунинг учун аввало мураббийнинг ўзи миллий қадриятларнинг моҳият мазмунини чуқур англаши, уларга ҳурмат эътиқоди бўла олиши даркор. Ижтимоий ҳаёт қонунларини аниқ тушуниш, миллий-ахлоқий қадрият, мафкура мазмунини англаш тарбияланувчиларда боболар, авлодлар руҳига ҳурматни, илмий дунёқараш асосларини тарбиялаш учун муҳим аҳамият касб этади.


Педагогик касби соҳасида: болаларни севиш ва улар билан ишлашга қизиқиш, педагогик ишни севиш, руҳий педагогик зийраклик ва кузатувчанлик, педагогик назокат, педагогик тасаввур, ташкилотчилик қобилияти, ҳаққонийлик, дилкашлик, талабчанлик қатъийлик ва мақсадга интилиш, вазминлик, ўзини тута билиш касбий лаёқатлилик. Билим соҳасига: кенг илмий савия, маънавий эҳтиёж ва қизиқиш, интеллектуал қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш.

Фаолиятлар кишини ўзига дуч келган ҳодисаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш тажрибаси билан бойитади. Педагогик малака – эгаллаган билим ва кўникмаларни фаолиятнинг маълум турини эгаллаб олиш, яхши бажара олиш қобилиятидир.

Бу билимларнинг чинакам илмийлиги, тарбиядаги қийинчиликларнинг енгишга қодир бўлган болалар қалбининг қандайлигини ҳис қилиш маҳорати, ички дунёси нозик ва заиф бўлган бола шахсига моҳирлик билан авайлаб ёндашиш, донолик ва ижодий дадиллик, илмий таҳлил, ҳаёл ва фантазияга бўлган қобилият мужассамдир. Шунини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ зарурки, педагогик касби мураккаб ва масъулиятли касбдир. Ушбу касбнинг шарафлилиги ва мураккаблиги шу билан белгиланадики, у доимо онгнинг ягона соҳиби бўлган инсон билан мулоқотда бўлади. Онгли ва тирик жонзот эса ақлий, руҳий, ҳамда жисмоний жиҳатдан доимо ривожланишда бўлади. Шунинг учун, билан доимо мулоқотда бўлганда, унга таъсир кўрсатиш учун мунтазам равишда психология, тарбия назарияси каби фанларни мукамал ўрганиб, ўз касбий маҳорати устида муттасил иш олиб бориши керак. Бу тарбиячиларда педагогик-психологик ва методик тайёргарликни таъминлайди. Педагогик маҳорат - педагогик жараёнда таркиб топади.

Педагогик жараён эса касбий ва шахсий тайёргарликни йўлга қўйиб, бўлажак мутахассисни меҳнатга, ҳаётга тайёрлаш учун давлат, жамият, миллат ва келажак авлод олдида жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади. Шунинг учун педагог шахсий ва касбий фазилатлар эгаси бўлиши лозим. Педагогнинг шахсий фазилатлари сирасига иймон-эътиқоди, дунёқараши, ижтимоий эҳтиёж ва фаоллиги, одоб-ахлоқи, фуқаролик бурчларини ҳис қилиши, маънавияти, дилкашлиги, талабчанлиги, қатъийлиги ва мақсадга интилиши, инсонпарварлиги, ҳуқуқий билимдонлиги ва ҳ.к.лар кирази. Булар педагогларда касбий хусусиятларни ўзида тарбиялаб боришга кўмаклашади.

Юқорида қайд этиб ўтилган ва педагогик маҳоратга берилган таъриф ҳамда тарбиячининг профессиограммаси хусусиятлари ва педагогларга қўйиладиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий талаблардан келиб чиқиб педагогика назарияси педагогик маҳоратни қуйидаги асосий компонент (таркибий қисм)лардан иборат бўлиши лозимлигини ифодалайди.



Буларнинг барчаси хусусий моҳият-мазмун касб этса-да, улар яхлит ҳолда тарбиячи (педагог)нинг касбий малакаларининг мазмунини ифодалайди. Зеро, педагогик техника – ўқитиш, таъсир кўрсатиш, таълим тарбия олувчиларга ўз ҳис-туйғулари, билимлари, ахлоқий фазилатларини ўзатиш технологиясини ифодаласа, педагогик муомала – касбий фаоллигининг бир кўриниши бўлиб, таълим-тарбияда шу жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсир ва ҳамкорлигини акс эттиради. Педагогик ижод–педагогнинг маҳорат пиллапояларидан кўтарилишида яратувчанликни, ташаббускорликни, педагогик уддабуронликни ва тадбиркорликка элтувчи йўлни, бу йўлдаги қийинчиликлардан кўрқмасликни англатади. Ўз навбатида бу соҳада педагогнинг педагогик қобилияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки у педагогик жараёнда педагогнинг ақлий, эмоционал- одавий жиҳатларини, ташкилотчилигини, билимдонлигини ва уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳамда яхлит бир бутунлик касб этишини ифодалайди.

Педагогик маданият - тарбиячилик бурчи, масъулияти, қадр-қиммати, виждони, ахлоқий эътиқодини назарда тутиб, педагогнинг талабчанлиги, адолати, комиллиги, ростгўйлиги, тўғрилигини англатади. Педагогик маҳорат тизимида педагогик назокат (такт) педагогнинг

педагогик мақсадга мувофиқ, фойдали, қимматли ҳаракатларининг ўлчови, меъёри ва таъсир воситасининг чегараси сифатида характерланади. Педагогик маҳоратнинг қайд қилинган таркибий қисмлари педагогнинг касбий хусусиятларини бойитади ва уни моҳирлик сари етаклайди ва тарбиячида педагогик маҳорат малакаларининг таркиб топишига ёрдам беради. Аммо ўз касбининг моҳир устози бўлиш учун фақатгина уларга таяниб, иш тутиш кутилган натижани бермаслиги мумкин. Бунинг учун мунтазам равишда педагогик фикрлаш, педагогик ўйлаш, педагогик иш тутиш лозим бўлади.